



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ҳатто ҳаёлида
ҳам ёмонлик,
гуноҳ қилишни
ўйламайдиган
одамлар авлиёсифат
булишади.
Бундайларни
қадрлашга урининг.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 18-may, seshanba, 58 (23.494)-son

ОНКОЛОГИЯ ШИФОХОНАСИ кенгайтирилади, янги жиҳозлар берилади

Президент Шавкат Мирзиёев 14 май куни Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига ташрифи чоғида онкология тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Йиғилиш чоғида марказ ҳамда унинг ҳудудий филиаллари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш, аҳоли ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу борада мутасаддилар олдиға аниқ вазибалар кўйилди.

– Давлатимиз раҳбари онкологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида мобил бригадалар тўзиб, хавф гуруҳига кирувчи аҳоли учун профилактик кўриқлар ўтказиш зарурлигини таъкидладилар, – дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали директори ўринбосари Дилшод Раҳматов. – Бунинг учун ҳар бир ҳудудга, жумладан, филиалимизга ҳам мобил маммограф ва позитрон-эмиссион томограф етказиб берилмайдиган бўлди. Бу саратонни эрта аниқлаш ва даволашда жуда самарали йўл ҳисобланади. Йиғилишда вилоят ҳокими Э.Турдимов филиал моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, беморлар учун қулайлик яратиш мақсадида муассасани кенгайтириш, шунингдек, вилоятда гематология маркази ташкил этиш тақлифларини билдирди. Бу тақлифлар Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланди. Бизга муассасамиз ақнидаги 3-туғруқ мажмуаси бино ва иншоотлари берилиши кўзда тутилган. Бу ишлар амалга ошса, вилоятда онкологик ва гематологик касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш имкониятлари яна ҳам кенгайди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов соҳа масъуллари билан бирга Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида бўлиб, муассаса фаолияти билан яқиндан танишди. Шифокорлар ва беморлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрларини эшитди. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазибаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.



НУРБУЛОҚНИНГ НУРЛИ МАСКАНИ

Нурбод тумани Нурбулоқ қишлоғида инсон ҳаракат-таянч аъзолари хасталикларини даволашга мўлжалланган, шифобахш родон суви мавжуд. Шунинг учун бу ерда 1991 йилда “Абу Али Ибн Сино” санаторийси ташкил этилган. Кейинчалик яна бошқа катта-кичик шу каби сихатгоҳлар очилган.

Аммо йиллар ўтгани сайин дам олиш масканларида ҳам, тиббий муассасаларда ҳам замон талабларига, одамлар дидига мос шарт-шароит яратилган бўлса-да, “Абу Али Ибн Сино” санаторийси бу жиҳатдан ортада қолиб келаётган. Ваҳоланки, санаторийда нафақат юртдошларимиз, балки яқин қўшни ва узоқ мамлакатлардан ҳам дам олувчилар келиб саломатлигини тикларди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан тизимда янги дам олиш масканлари ташкил этиш, мавжудларини бугунги кун талабига мослаштиришга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Ана шу эътибор туфайли вилоятнинг олис Нурбулоқ қишлоғидаги санаторийнинг 108 ўринга мўлжалланган, беш қаватдан иборат янги биноси бунёд этилди. Бунинг учун Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳисобидан 50 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Мазкур бионинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қ.Рафиқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари А.Саидов, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, сенатор Б.Йўлдошев, вилоят ҳокими Э.Турдимов ва бошқалар бу каби замонавий сихатгоҳларнинг ташкил этилиши юртимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган саяёҳатларнинг натижаси эканлигини таъкидлади.

Маросимда санаторийга касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан автобус ҳамда вилоят ҳокимлигининг “Дамас” автомобили совға қилинди. – Янги бинода хорижда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтириб

ўрнатилди, – дейди сихатгоҳ директори Нодирбек Камолов. – Санаториймизда дам олувчилар ҳаракат-таянч аъзолари, қон айланishi ва асаб тизими касалликлари билан даволанади. Асосий даво муолажамиз родонли сув ҳисобланади. Бу ернинг қулайлиги шундаки, даволаш бўлими, ошхона бионинг ўзида жойлашган. Бундан ташқари, маданий тадбирларни ўтказиш жойи, болалар ҳамда спорт майдончалари, кутубхона мавжуд. Янги санаторийнинг дастлабки юз нафар дам олувчилари юртимизнинг турли ҳудудларида яшовчи меҳнат фахрийлари, фаоллар, жамоатчилик вакиллари бўлди. Уларга бепул йўлланма берилиб, бу ерда 10 кун давомида саломатликларини тиклашлари учун имконият яратилди.

Хусан ЭЛТОЕВ.

Журналист ва блогерлар

Самарқанддаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди

Самарқанд шаҳрида олиб борилаётган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида журналист ҳамда блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди.



Дастлаб қатнашчилар Бўстонсарой кўчасида олиб борилаётган йўл қурилиши билан танишди. Бунёдкорлик ишлари давом этаётган мазкур кўчанинг 800 метр қисмидаги «снос» қилинган 78 та уй эгаларига компенсация пуллари, баъзиларига эса ўзлари хоҳлаган ҳудуддан уй-жой ажратиб берилган.

– Кўчани кесиб ўтган Сиёб ариғи тепасидаги пастилик тўдирилиб, равон йўлга айланади, – дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Акмал Шукуров. – Шунингдек, 6 тасмали йўлнинг икки четига пиёдалар йўлиги ва велойўлак ташкил этилади. Сиёб ариғи устидаги кўприк кенгайтирилади.

Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесилишидаги туннель қурилишида иккинчи босқич ишлари олиб борилмақда. Мазкур туннелнинг узунлиги 624 метр бўлиб, баландлиги 5,5 метрни ташкил этади. Пиёдалар учун ер ости йўлаклари қурилади.

– Туннель устига дастлабки темир-бетон блокни ўрнатдик, – дейди «Кўприкқурилиштрести» МО-1 отряди муҳандиси Азиз Бекмирзаев. – Кўприк остида 4 тасмали автомобиль, 2 тасмали трамвай йўллари қурилади. Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ, оқова тармоқлари ҳамда коммуникация тизимлари ўтказиб бўлинди. Пиёдалар учун ер ости йўлаклари қуриляпти. Икки ой ичида кўприкдан транспорт воситалари ўтишига рухсат берилади. Июнь ойида туннелнинг иккинчи қисмини қуриш бошланади. 300 нафардан зиёд

ишли меҳнат қилаётган мазкур объект жорий йил якунига қадар ишга туширилади.

Ибн Сино кўчаси бўйлаб ичимлик суви ва оқова тармоқлари тортиш ишлари якунланди. Афросиёб кўчасидан Ойдин ҳаёт кўчасигача бўлган қисмида ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилмақда. Йўл четига кичик хиёбон бунёд этилиб, ландшафт дизайни бутунлай замонавий тус олади. Шунингдек, кипарис, арча, олхўри, робинья, акация каби ўн турдаги манзарали дарахт кўчатлари, буталар ўтказилади.

Пресс-турда журналист ва блогерлар “Самарқанд халқаро аэропорти”нинг янги терминали қурилиши билан таништирилди. «Enter Engineering PTE Ltd» компанияси томонидан қурилаётган замонавий аэропорт учун 80 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланмақда. Шунингдек, бу ерда Россия, Туркия, Германия ҳамда Буюк Британиядан келган қурувчи-муҳандислар меҳнат қилмақда.

– Янги терминалимиз ишга тушди, бир вақтнинг ўзида 4 та рейсга хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлади, – дейди “Самарқанд аэропорти”нинг янги терминали қурилиши билан таништирилди. «Enter Engineering PTE Ltd» компанияси томонидан қурилаётган замонавий аэропорт учун 80 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланмақда. Шунингдек, бу ерда Россия, Туркия, Германия ҳамда Буюк Британиядан келган қурувчи-муҳандислар меҳнат қилмақда.

Халқаро аэропортнинг реконструкция қилиниши боис мазкур ҳудудда жойлашган 765 та турар

ва нотурар жой, жумладан, 688 та дала ҳовли бузилади. Уйларнинг эгаларига оғохлантириш хатлари берилиб, уларнинг розилиги олинмақда.

Самарқанд шаҳрини қайта қуриш концепцияси бўйича Қорадарё устида Самарқанд шаҳри ва Янгиобод маҳалласини боғловчи кўприк қурилади. 210 гектарлик ҳудудда 9,16 ва 25 қаватгача кўп қаватли уйлар қурилиб, 90 минг аҳолига мўлжалланган Ширин шаҳарчаси бунёд бўлади.

– Самарқанд темир йўл вокзалининг орқа томонида 15 минг аҳоли истиқомат қилувчи 6 та маҳалла жойлашган 270 гектар майдонда ҳам 90 минг киши яшовчи янги шаҳарча қуриладиган бўлди, – дейди Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Олимов. – Айни пайтда шаҳарча қурилиши мўлжалланган ҳудудда яшовчи аҳоли билан суҳбатлашяпти. «Снос» амалга оширилаётган да бирорта хонадон эгаси нурузи қилинмади. Мазкур шаҳарча беш йил ичида қурилиб фойдаланишга топширилади.

Пресс-тур иштирокчилари Самарқанд эшак эшик канали ҳудудига барпо этилаётган Туризм маркази қурилиши билан ҳам танишди.

Журналистларни Туризм марказидаги иссиқхонада ўстирилаётган 50 дан ортик турли манзарали ва мевали дарахт, анвойи гул кўчатлари ва буталар қизиқтирди.

– Иссиқхонада Туркия ва Италиядан келтирилган 2600 дан зиёд дарахт, 6 минг туп ноёб гул кўчатлари парвартишланмақда, – дейди марказ бош агрономи Ёрқин Ҳожиёв. – Иқлимимиз қуруқ, шу сабабли ўстирилаётган кўчатларимиз шу ерда табиатимизга мослаштирилмақда. Қайси давлатдан кўчат олаётган бўлсақ, аввало, шу жойнинг тупроқ таркиби, иқлими, иссиқка чидамчилигини ўрганишимиз. Айни пайтда Италиядан яна 100 турга яқин турли дарахт ва гул кўчатларини келтириш мўлжалланган. Уларни ҳам мослаштириб экиш мавсуми, яъни куз фаслигача сақлаб, яхшилаб ўрганишимиз. Шунингдек, пресс-тур қатнашчилари шаҳардаги бошқа қурилиш объектларидаги жараёнлар билан ҳам танишди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Тоғда дам олишни БИЛАМИЗМИ?

Ишонаверинг, худди шундай бўлди. Тўғриси, Рамазон ҳайити муносабати билан берилган дам олиш кунлари яқинлар, қавму қариндошлар зиёратидан ортгач, имкониятдан фойдаланиб, оилавий, тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлиш учун Ургутнинг Қашқадарё билан чегарадош ҳудуди бўлган довон сари йўл олдик.



Ҳам мумкин. Бундай имконият дам олувчилар учун қулайдир, аммо табиат учунчи? Бу ҳақда ким ўйлаб кўради? Сабаби, кичикроқ бир масканнинг ўзида ўнлаб чорпояр қўйилганки, уларнинг ҳар биридан жой эгаллаган оила ўтин ёкверса, қуюқ дарахт, неча йиллик арчалар барқ уриб турган маскан тез кунларда не аҳволга тушади?

Умуман, тоғнинг табиатидан баҳраманд бўлишни истовчилар йилдан-йилга ортиб бораётгани бу ердаги машиналар сони, одамлар билан гажумлигидан ҳам маълум. Демак, табиат қўйнида дам олувчилар учун шарт-шароитлар яратиш, уларга тоғнинг маълум бир ҳудудларида саёҳат уюштириш каби хизматларни йўлга қўйиш вақти келмадимикан?

Тўғри, Самарқанд вилоятида яқинда худди шу мақсадни кўзлаган «Оқбўйра» дам олиш маскани фойдаланишга топширилган. Аммо юқорида айтилганидай, баҳаво

жойларда дам олишни истовчи самарқандликлар учун бу жойнинг ўзи етарли бўлмайди, назаримизда.

Тахтиқорача довони ҳудудларида эса фақатгина бир неча дам олиш масканлари бўлиб, асосан овқатланиш учун мўлжалланган. Овқатланиш шохбачаларидаги санатория масаллари алоҳида бир мавзу. Масканларда тоза ҳаводан баҳраманд бўламан десангиз, нотўғри ўйлайсиз. Турли таомлару, тутун хиди, чорпоярларнинг шу даражада яқин қўйилганидан одамларнинг гага-ғовури дам олиш деган тушунчани чиппака чиқариб юборади.

Шароитнинг бу даражадалиги, дам олишчиларнинг маданияти, дам олишга келган кишиларнинг таъбини янада хира қилади. Хусусан, дам олувчиларнинг овқатланишидан сўнг қолаётган чиқиндилар, спиртли ичимлик ичиб, бақир-чақир қилаётган, тоғнинг юқорисига чиқиб олиб, ижтимоий тармоқларда тарқалган, видеодаги йигитдай алмойи-жалмоий гапларни баралла айтаётган ёш-яланглар... Сув ичиб, идишини ҳеч иккиланмай, уларнинг орасида катта ёшлилар ҳам борлиги янаям ташвишли.

Хуллас, бундай манзара тоғнинг гўзал табиатига номуносиблигидан кўнглингиз ранжийди. Қачон дам олишни ўрганишимиз, дегинг келадими? Умуман, табиат қўйнида дам олиш қачонгача спиртли ичимликларни бўкиб ичиш деган тушунча билан бирга келадими? Бундан қутулишнинг имкони бормикан?

Хуллас, довоннинг манзарали ҳудудидан кўп саволлар билан қайтидим. Дам олиш маданиятимиздан бир уялган бўлсам, Самарқандда бир неча ойдан бери ишлаётган, ҳамроҳларимиз, хорижлик меҳмонлар олдида икки қарра уялдим...

Дарвоқе, Рамазон ҳайити муносабати билан берилган дам олиш кунлари Самарқанд шаҳрига 24 мингга яқин маҳаллий ва 400 нафар хориждан сайёҳлар ташриф буюрган. **Гулрўх МҶМИНОВА.**

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: АФЗАЛЛИКЛАР НИМАЛАРДА НАМОЁН?

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси мамлакатимизда 2018 йилдан кириб келди. Шундан кейин бу қандай иқтисодиёт, деган савол пайдо бўлди.

Айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиёт жамиятда содир бўладиган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий алоқалар (жараёнлар)ни рақамли технологияларни қўллаш асосида, масофадан туриб амалга оширишдан иборатдир. Шу тўғрисида бундан одамлар "Интернет иқтисодиёти", «инновацион иқтисодиёт», "янги иқтисодиёт", "веб-иқтисодиёт" каби атамалар билан ҳам атамоқда.

Бундан кўриниб турибдики, биз рақамли иқтисодиёт элементларидан анча вақтдан буён фойдаланиб келмоқдамиз. Масалан, қишлоқда тўй қилса, олдчилари махсус айтувчи (хабарчи) тайинланган эди. Ҳозирги пайтда телеграм орқали аниқ вақти, манзили, ким, кимниқига айтилиши хабари берилмоқда. Ману шу жараёндан кўриниб турибдики, оддий хабар бериш табиий ҳолатдан рақамли ҳолатга айланган қолди.

Юқоридаги иккита ҳолатда ҳам битта вазифа (иш) бажарилган. Аммо иккаласининг фарқи нималардан иборатлигини тушунириб ўтиришга ҳолат бўлмас керак. Бу ерда фақат битта хабар масаланинг ўзгариши ташкил қилади. Бу бирорта юк эмас, бошқа предмет ҳам эмас. Унинг вазни ҳам, кўриниши ҳам йўқ. Оддий хабар. Лекин шуни етказишда олдинги билан ҳозирги вазиятни бир солиштириб кўриниш, қанчалик фарқ бор? Бу оддий мисолдан ҳам кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиётда бирорта нарсаяратилмайди, аммо ҳаётда муҳим бўлган иш бажарилди. Энди рақамли иқтисодиётнинг товарлар билан боғлиқлигига эътибор қаратамиз. Масалан, товарни харид қилиш масаласини олайлик. Сиз харидор сифатида бирорта буюм харид қилмоқчисиз. Уни дўкон (бозорга, супермаркетлар)га бориб бевосита танлаб, савдолашиб, пулини нақд бериб сотиб olasиз. Сўнгра бозордан ушбу товарни уйга ўзингиз олиб келасиз. Та-саввур қилинг, қанча вақтингиз кетсади. Бунда ҳам эътибор қилган бўлсангиз, ҳеч нарса яратилмайдди. Фақат савдо хизмати кўрсатилиши натижасида ишлаб чиқарилган товарга эгаллиқ қилиш ҳуқуқи ўзгаради. Бу мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳозирги амалдаги аънавий иқтисодиёт.

Аммо ҳаётимизга электрон тижорат деган тушунча кириб келди. Яъни, телеграмдаги бирон савдо боти орқали маъқул товарни танлаб, сотувчига (товар эгасига) бюртомта берасиз. Ушбу товарнинг нархини электрон тўлов тизими орқали уйда туриб, тўлайсиз. Буюртмангиз уйингизга етказиб берилади. Ушбу товарни етказиб бериш орқали сиздан хизмат ҳақи ундирилади, холос. Бу хизмат ҳақи, сизнинг вақтингиз, қучингиз, асабингиз йўқотилганлиги олдида аризмаган қийматга эга. Бу айнан рақамли иқтисодиётнинг намोён бўлиши.

Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам ҳеч қандай товар ишлаб чиқарилмайдди, фақат моддий неъматнинг эгаси ва жойи ўзгаради. Шу нуқтаи назардан қаралса, икки ҳолатда ҳам битта жараён содир бўлди. Бироқ аънавий иқтисодиётга нисбатан рақамли иқтисодиётнинг фарқи инсонларга қанчалик даражада қулайлик яратганлигига гувоҳ



бўлиш мумкин. Бу ҳолат инсонларнинг вақтини тежаш, шу вақтни ўзининг интеллектуал салоҳиятини ошишига сарфлаш имкониятини яратади. Шу тариқа жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ошади боради. Фақат битта нарсани инobatга олиш лозимки, шу рақамли иқтисодиёт натижасида тежалган вақт ва энергияни бесамер сарфламадан, мақсадга мувофиқ сарфлашга ўрганишимиз, вақтни қадрлашни билишимиз лозим.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, олдин ҳам ўзимиз сезмаган ҳолда рақамли иқтисодиётнинг имкониятларидан фойдаланаётган эканмиз. Аммо унинг нечоғлик қулайлигига ўнчалик аҳамият бермаганмиз. Бироқ ўтган йилги пандемия шариоитида ушбу тадбирларнинг, аниқроғи, рақамли иқтисодиётнинг самарасига гувоҳ бўлдик. Ҳатто, озик-овқат маҳсулотларини ҳам электрон ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, бюртомта асосида олиб келадиган кўнмиканни ҳосил қилдик.

Рақамли иқтисодиётнинг ҳуқуқий жиҳатига эътиборни қаратамиз. Олдинлари ишлаган ташкилотимизда бир сўм оладиган бўлса ҳам имзо чекиб олар эдик. Эндиликда ойлариқлигимиз пластик карталарга ўтди. Бирор жойда имзо талаб қилинмайдди. Ушбу карталардан электрон тўлов орқали турли жойларга, ташкилотларга, хусусан, коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ҳамда хизматлар учун пул ўтказамиз. Электрон тарзда солиқ декларацияси топиради, картадан картага пул узатамиз, аммо бирортасига бориб имзо чекиш ҳаракати амалга оширилмайди. Бу ҳам қанчалик қулайлигини таъсаввур қилиш қийин эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рақамли иқтисодиётга таъриф бериш мумкин, деб ўйлаймиз. Биз ушбу тушунчага қўйиладиган таърифни шакллантирдик. Рақамли иқтисодиёт деганда, жамиятда содир бўладиган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий алоқалар (жараёнлар)ни илгор технологиялар, платформалар ва бизнес моделларини кундалик ҳаётга жорий этиш орқали турли рақамли ахборот технологияларни қўллаш асосида масофадан туриб амалга оширишга қаратилган хизматлар мажмуи тушунилади.

Кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиётнинг асосини ахборотлар ташкил қилади. Аммо "Ахборотлар олдин ҳам бор эди-ку, нима учун олдин уни

аънавий иқтисодиёт, энди рақамли иқтисодиёт, деб атамоқдамиз?", деган саволлар ҳам тўғрилиги табиий. Бунга изоҳ бериш учун айнан шу ахборотларга олдин ва ҳозир қандай ёндашувлар ва улар қандай воситалар билан ҳаракатланганлигига эътибор қаратсак, масаллага ойдинлик киритилади деб ўйлаймиз.

Рақамли иқтисодиёт шариоитида ахборотлар ва у билан боғлиқ ҳаракатларнинг хусусиятлари қўйиладигилардан иборат:

Биринчидан, олдин ахборотлар асосан қўлда аънавий тарзда шакллантирилган ва шу тарзда алмашилган. Энди эса юқори даражада автоматлаштирилган ҳолда шакллантирилмоқда ва узатишмоқда.

Иккинчидан, олдин қўлда шакллантирилган ҳужжатлар айланган бўлса, эндиликда электрон ҳужжат алмашилмоқда. Бу ҳужжатнинг шаклланишида инсон иштироки жуда кам. Компьютер технологиялари тегишли дастурлар асосида ахборотларни ўзлари шакллантириб боради.

Учинчидан, олдин қўлда шакллантирилган ҳисоби ва ҳисоботлар ҳам аънавий тарзда қўлда тўлдирилган эди. Эндиликда булар ҳам юқори технологик жараёнга асосланган ахборот технологиялари ёрдамида шакллантирилмоқда.

Тўртинчидан, олдин маълумотларни тўплаш учун ўнлаб папкалар қилинар ва улар йиллаб сақланар эди. Эндиликда маълумотларнинг электрон базалари шакллантирилади. Ушбу ахборотлар базасидаги барча маълумотлар қонуний мақомга эга. Шу тўғрисида корхона фаолиятини назорат қилиш ҳам масофадан камерал текширув асосида амалга оширилмоқда.

Бешинчидан, корхоналарни, корхоналарда ходимларни бошқариш ҳам электрон ахборотларга таъйинлмоқда ва тегишли топшириқлар ҳам электрон тарзда амалга оширилмоқда. Олдин вилоятда бирорта мажлис бўлса, туманлардан масъуллар келиб, вилоят марказида ўтирилар. Эндиликда улар ўзларининг туманларида туриб тегишли топшириқларни олмақдалар.

Олтинчидан, рақамли иқтисодиёт шариоитида ахборотлар тўри (блокчайн) ташкил қилинганлиги тўғрисида ҳар қандай қонунбузарликларнинг, коррупция ва хуфийна иқтисодиётнинг олди олиниди. Энди содир бўлган нарсани ахборот базасига киритсангиз у бир вақтнинг ўзида бир қанча жойда ўз аксини топади. Бу ахборот ижронининг, назоратчининг ва бошқа манфаатдор шахсларнинг қўлида бўлганлиги тўғрисида уни ўзгартириш имконияти қатъий чекланади. Бу ҳам рақамли иқтисодиётнинг афзалликларидан биридир.

Еттинчидан, товарлар ишлаб чиқариш, сотиш, турли хизматлар кўрсатиш ҳақидаги маълумотларнинг натижаси ойллик ёки ҳафталик ҳисобот тузилгандан кейин маълум бўлар эди. Энди эса юқоридаги жараёнлар ҳақида ҳар қуни тегишли маълумотларни олиш мумкин.

Саккинчидан, рақамли иқтисодиёт шариоитида дунёда содир бўлаётган хабарларни, мавжуд товарлар ва хизматларнинг мавжудлиги ва қайсиларига эҳтиёж борлигидан ҳам тезроқ тарзда хабардор бўлиш имконияти бор. Бу эса жаҳон бозорига чиқиш учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тўққизинчидан, товарлар, ишлар ва хизматлар пировардида истеъмолчилар учун ишлаб чиқарилади, бажарилди ва кўрсатилади. Рақамли иқтисодиёт шариоитида буларнинг шаффофлиги ва тез этиб бориши истеъмолчилар фикрини ҳам тез илғаб олиш имкониятини беради ва шулар асосида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ўнглашга асос бўлади.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самиси профессори,
Озода ПАРДАЕВА,
ТДИУ Самарқанд филиали
кафедре мудири.



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев

Мамлакатимиз санъати ва маданияти оғир жудаликка учради.

Миллий театр санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ва бетакрор истеъдод соҳиби, атокли режиссёр, устоз санъаткор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Халқ артисти Баҳодир Турсунович Йўлдошев 76 ёшида вафот этди.

Б.Йўлдошев 1945 йил 7 сентябрда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида, санъаткорлар оиласида туғилди. Урта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент театр ва рассомчилик институтини режиссёрлик мутахассислиги бўйича тахсил олди.

Меҳнат фаолиятини Ўзбек давлат академик драма театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) артисти лавозимида бошлади. Ўзининг шонли аънаварига эга бўлган мазкур ижодий даргоҳда тез орада ўзига хос ёрқин услуби ва ижодий принциплари эга бўлган моҳир режиссёр сифатида шаклланди. Йигирма етти ёшида ушбу нуфузли театрга бош режиссёр ва бадий раҳбар этиб тайинланди. Ўн уч йил давомида жамоада ишчан ижодий муҳит яратиш, театр репертуарини замонавий ҳама мумтоз миллий ва хоржий асарлар билан бойитиш, иктидорли истеъдод эгаларини тарбиялашга улкан ҳисса қўшди.

1984-2004 йилларда Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида бадий раҳбар сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Санъатни чин дилдан севган, унга садоқат билан хизмат қилишни ҳаётини маъно-маъмуни деб билган ёрқин истеъдод соҳиби ўзбек режиссёрлик санъатида ўз ижодий мактабини яратди.

Б.Йўлдошев томонидан сахналаштирилган "Абу Райҳон Беруний", "Ибн Сино", "Искандар", "Ноҳирабегим", "Юлдузги тунлар", "Қора камар", "Фармонби аразлади", "Келинлар кўзгोलони", "Майсаранинг иши", "Чечачи", "Аршин молалон" каби ўнлаб драматик асарлар миллионлаб санъат мухлисларининг қалбидан чуқур жой олиб, театр санъатимизнинг "олтин фонди"дан ўрин эгаллади. Ушбу асарларнинг аксарияти чет элларда ҳам катта муваффақият билан намойиш этилди.

Миллий театр санъатимизни янги ғоя ва талқинлар, бетакрор асарлар билан бойитиш ҳақида тинимсиз илзаниб яшаган Б.Йўлдошев майдон томошалари, оммавий маданий тадбирларни сахналаштириш бўйича нафақат республикамиз, балки хоржий мамлакатларда ҳам эътироф этилган, бадий таваққури ниҳоятда кенг, ўз касбининг чинаяк устаси ва фидойиси бўлган атокли ижодкор эди.

Улкан истеъдод соҳиби Б.Йўлдошевнинг ижодий фаолияти, ташкилотчилик салоҳияти айниқса, мустақиллик йил-



ларида ёрқин намоён бўлди. Мустақиллик ва Наврўз умумхалқ байрамлари ҳамда юртимиз ва чет элларда катта шухрат қозongan "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалини, мақом ва бахшичилик, миллий хўнармандчилик санъатларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманларнинг бадий дастурларини яратиш борасида ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилганини халқимиз, маданий жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бутун онгли ҳаётини миллий санъатимизни раванқ топтиришга бағишлаган улғу санъаткор 2009 йилда "Дийдор" ёшлар экспериментал театр-студиясини ташкил этиб, умрининг ижодий қадар унга раҳбарлик қилди келди. Ушбу студия фаолияти орқали ўнлаб икитдорли ёшларни кашф этиш, уларнинг истеъдодини рўйбаг чиқариш, мумтоз миллий адабиётимиз намуналарини сахналаштириш ва тарғиб этиш йўлида жонбоғлиқ кўрсатди.

Б.Йўлдошев ўзининг бой билим ва таърибига асосида ёшларга сахна илми, режиссёрлик санъатининг назарий ва амалий масалаларидан сабоқ бериш мақсадида марказий телеканалларимиз орқали ғоят ибратли "Маҳорат дарслари"ни ўтказиб келди.

Б.Йўлдошевнинг миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан нуносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвонлари, "Меҳнат шухрати", "Юлдузги тунлар", "Қора камар", "Фармонби аразлади", "Келинлар кўзгोलони", "Майсаранинг иши", "Чечачи", "Аршин молалон" каби ўнлаб драматик асарлар миллионлаб санъат мухлисларининг қалбидан чуқур жой олиб, театр санъатимизнинг "олтин фонди"дан ўрин эгаллади. Ушбу асарларнинг аксарияти чет элларда ҳам катта муваффақият билан намойиш этилди.

Миллий театр санъатимизни янги ғоя ва талқинлар, бетакрор асарлар билан бойитиш ҳақида тинимсиз илзаниб яшаган Б.Йўлдошев майдон томошалари, оммавий маданий тадбирларни сахналаштириш бўйича нафақат республикамиз, балки хоржий мамлакатларда ҳам эътироф этилган, бадий таваққури ниҳоятда кенг, ўз касбининг чинаяк устаси ва фидойиси бўлган атокли ижодкор эди.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА,
И.НСМОИЛОВ, А.АРИПОВ,
О.НАЗАРБЕКОВ, С.САИДОВ.

Оммани тартибсизликка даъват қилиш жазоланади

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида жиддий саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жиноятчилиқнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш, аҳолининг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш масалалари республикамиз Парламентининг доимий эътиборида.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 4 мартда қабул қилиниб, Сенатнинг 2021 йил 12 мартдаги қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланиб, 2021 йил 31 март кунидан қучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонунларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига муҳим қўшимчалар киритилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 201-моддаси ("Қонунчилик ҳужжатларини бажармасликга ёки бузишга омма олдида даъват қилиш") тўлдирилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик

ҳужжатлари талабларини жамоат тартибига ва жамоат ҳавфсизлигига таҳдид соладиган тарзда бажармасликга ёки бузишга, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникация тармоқларидан, интернет жаҳон ахборот тармоқларидан, шунингдек, маттни қўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда омма олдида даъват қилиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг олтимиз баравари (14 миллион 700 минг сўм)дан саксон баравари (19 миллион 600 минг сўм)гача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддаси ("Оммавий тартибсизликлар") қуйидаги матндаги биринчи ва иккинчи қисмлар билан тўлдирилди. Оммавий тартибсизликларга ва

фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари (24 миллион 500 минг сўм)дан уч юз баравари (73 миллион 500 минг сўм)гача жарима ёки икки йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари ёҳуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо қўлланадиган тартибда қўйилган.

Ушбу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникациялар тармоқларидан, жаҳон интернет ахборот тармоғидан, шунингдек, маттни қўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз баравари (73 миллион 500 минг сўм)дан тўрт юз баравари (98 миллион сўм)гача жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари ёҳуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланадиганлиги мумкин.

Йўлдош СУЮНОВ,
ҳуқуқшунос.



Тадбиркорликни нон пиширишдан бошладим

Нарпай тумани марказида фаолият олиб бораётган қўлипчи нон ишлаб чиқариш цехи 20 ёшли Асадбек Пирмаматов ташаббуси билан ташкил этилган.

– Туманимиздаги иқтисодиёт коллежини битириб, яхши ният билан ризқ-рўзимиз бўлган нон пишириш орқали тадбиркорликка қадам қўйдим, – дейди у. – 2019 йилда "Yoshlar kelaajimiz" жамғармаси ҳисобидан 50 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, цех учун зарур бўлган қўлипчи, ҳамир қориш

уқунаси ва нон пишириш печини харид қилдик. 3 киши иш билан таъминланди. Бу ерда кунига 400 та нон пишириб, тумандаги 10 та мактабга таълим ташкилотига ҳамда туман марказий шифохонасига етказиб берамиз.

Ёш тадбиркор раҳбарлик қилаётган "Асадбек" хусусий фирмасига қарашли бу цехдан ташқари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шоҳобчаси ҳам фаолият кўрсата бошлади. Натижада яна 4 нафар иш ҳайитининг бандлиги таъминланди.

Азизабону ҚУВОНДИҚОВА,
Бахтиёр МУСТАҲОМОВ (фото).

Инсоният жамияти шундай шаклланганки, унда доимий урушлар бўлиб туради. Бунинг оқибатида айрим мамлакатлар мағлуб бўлиб, ўз мустақиллигини қўлдан беради ва тараққиётдан орқада қолади. Бундай аянчли ҳолат келиб чиқмаслиги учун юрт ташқи душманлардан ҳимояланган бўлиши лозим. Буни нафақат Қуролли Кучлар, балки бутун жамият амалга оширади.

Ватанпарварлик Ватанга муҳаббатдир

Ватан ҳимоячиларининг куч-қудрати Қуролли Кучлар ёки қурол-аслаҳаларнинг миқдори ва сифати билангина эмас, Миллий армия хизматчиларининг ватанпарварлиги билан ҳам белгиланади. Ватанпарвар бўлиш учун Ватанини севиш керак. Чунки инсон шундай мавжудотки, у нимани севса ўшани қадрлайди.

Тинчлик таъминланган шароит ватанпарварлик туйғусини яратади. Шунинг учун тинчликнинг қадрига етиш лозим. Чунки нотинчлик

муҳитида, уруш ҳолатида ҳеч ким ўзини эркин ҳис қила олмайди. Буни англаган одам тинч ҳаётни таъминлаб турган Ватанини севади, қадрлайди ва албатта, ватанпарвар бўлади.

Шунингдек, адолат қарор толган муҳит ҳам ватанпарварликни шакллантиради. Ҳаётдан норози бўлиб яшаётган одам Ватанини севолмайди. Инсон табиятан шундай мавжудот, у ҳамма нарсага тоқат қилиб мурося қилиши мумкин, лекин адолатсизликка нисбатан мурося қила

олмайди. Қарда адолатсизлик бўлса, ўша ерда албатта, норозилик, бефарқлик келиб чиқади, одамларнинг ҳуқуқлари поймол қилинади.

Адолатсизликни келтириб чиқарадиган омиллардан бири бу коррупциядир. Коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқиши маънавий қашшоқлик билан боғлиқ. Чунки маънавий қашшоқ одам ўз нафсининг ва эҳтиёжларининг қулига айланади. Шу боис жамият бошқарувида кадрларни танлаш ва рағбатлантириш тизимида номзоднинг маънавий юксаклигини асосий мезон сифатида қабул қилиш учун унинг маънавиятини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, маънавият инсоннинг ўз ҳокимиятини шакллантиради ва унинг ички дунёсида тартибни ўрнатади.

Шунинг учун, маънавиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларимизни янада самарали ташкил этиш, комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бугуннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

**Фарҳод НАБИЕВ,
СамДУ профессори.**

Жорий йилнинг февраль ойида ёшлар ўртасида «Бир миллион дастурчи» лойиҳасини кенг тарғиб этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, масъулларга кўрсатмалар берилганди.

Ўтган давр мобайнида вилоят бўйича 8 969 нафар ёш рўйхатдан ўтди. Шундан 7 855 нафари мактаб ўқувчиларидир. Лойиҳада ишти-

«БИР МИЛЛИОН дастурчилардан бириман»

рок этган ёшларнинг 3 788 нафари «Иштирокчи сертификати» ва 2 674 нафари эса «Битирувчи сертификати»ни қўлга киритди.

«One Million Uzbek Coders» – «Бир миллион ўзбек дастурчи» бепул таълим лойиҳаси доирасида

имтиҳондан муваффақиятли ўтдим, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали талабаси Тохир Айнулов. – Лойиҳанинг биринчи босқичида «Full Stack Development Track», яъни «Кенг қамровли ривожланиш

йўли» йўналиши бўйича сертификатни қўлга киритиб, бир миллион дастурчилардан бирига айландим. Яна, иккинчи ва учинчи босқичда ҳам сертификатга эга бўлсам, Дубай (БАА)да дастурчилар учун ўтказиладиган ўқув амалиёт машғулотларида иштирок этиш учун йўлланма оламан. Мақсадим ўзига тортадиган дизайнга эга веб-сайтлар яратиш, масофавий таълим олишнинг қулай тизимини жорий этишдан иборат.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Холида БУРХОНОВА

Бешафқат ўлим кўп йиллар адвокатурасоҳасида ишлаб, одамларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда фаоллик кўрсатган адвокат Холида Бурхоновани орамиздан олиб кетди.

Холида Бурхонова 1955 йилда Булунғур туманида туғилди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, 1974 йилда Самарқанд давлат университетида ўқишга кирди.

Билими, ташкилотчилиги, тиришқоқлиги туфайли олийгоҳда ўтадиган турли тадбирларда фаол иштирок этди. 1979 йилда университетни ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича тугаллади.

Диплом олгач, илк меҳнат фаолиятини 1980 йилда вилоят адвокатлар ҳайъатида стажёрликдан бошлади. Бу ерда тажрибали ҳуқуқшунослардан касб сирларини ўргангач, адвокатлик фаолиятига киришди. Ўша йилиёқ адвокатлик лицензиясини қўлга киритиб, Самарқанд шаҳар «Боғишамол» адвокатлар ҳайъати адвокати сифатида иш бошлади.

Моҳир адвокат Х.Бурхонова бу ерда 21 йил меҳнат қилди. Бу даврда юзлаб одам-



ларнинг суд-ҳуқуқ, тергов масалалари билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишда жонболик кўрсатди.

Опа 2011-2014 йилларда Самарқанд шаҳар «Bog'ishamol haqiqati» адвокатлик фирмаси бошқарувчиси бўлиб ишлаганда ҳам ўзининг эзгу ишлари, жонкуярлигини давом эттирди. Шу йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни

лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳамкасблари қаторида соҳада орттирган тажрибасини кенг қўллади.

Х.Бурхонова 2018 йилдан буён «Bog'ishamol haqiqati» адвокатлар ҳайъатида адвокат сифатида ишлаб келаётган эди. У фаолияти давомида бир неча бор республика «Адвокатлар палатаси»нинг ташаққурнома, фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Ўз касбининг фидойиси, моҳир адвокат Х.Бурхонованинг ёркин хотираси биз, ҳамкасблари ва дўстлари қалбида абадий яшайди.

**Самарқанд шаҳар
«Bog'ishamol haqiqati»
адвокатлар ҳайъати жамоаси.**

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ТЕНДЕРГА МАРҲАМАТ!

«Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси тендер ўтказилаётганини маълум қилади ва иштирокчилардан Самарқанд шаҳридаги «СамАвто» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси заводи ҳудудида йиғув цехи қурилиши объекти бўйича тендер таклифларини тақдим этишни сўрайди.

Буюртмачи: «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси.

Тендер ташкилотчиси: «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси.

Лойиҳани молиялаштириш ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Ишнинг буюртмачи томонидан тугалланиши белгиланган муддат: -14 ой.

Буюртмачининг белгиланган қиймати:

**ҚҚС билан - 44 915 937 808 сўм,
ҚҚСсиз - 39 057 337 224 сўмни ташкил қилади.**

Тендерда иштирок этишлари мумкин:

- тендерда таклиф қилинган шартларда иштирок этишини билдирган мамлакатимиз ва хорижий қурилиш ташкилотлари, корхона ва фирмалари;

- ҳуқуқий шахслар бирлашмалари – консорциумлар, агар тендер ҳужжатларида бошқа келишувлар кўзда тутилмаган бўлса.

Тендерда иштирок этувчи иштирокчиларга қуйидаги малака талаблари қўйилади:

- тендер қийматидан камида 20 фоиздан кам бўлмаган ҳажмда айланма маблағ мавжудлиги, зарур ишларни (хизматларни) бажариш учун ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги;

- тендерда иштирок этишнинг кафолати сифатида – 449 159 378 (тўрт юз қирқ тўққиз миллион бир юз эллик тўққиз минг уч юз етмиш саккиз) сўм ҳажмида закалат пули;

- шартнома тузишга фуқаролик ҳуқуқи ва ваколати;

- кейинги уч йилда худди шундай объектлар ва тендер ҳажмида иш тажрибаси мавжудлиги;

- тендер объектида ўз кучи билан бажарилиши мўлжалланаётган – режалаштирилаётган ишлар ҳажми, илгари ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақида маълумот тақдим этиш (фоиз ҳисобида).

Агар бажариладиган ишлар (хизмат) тендер билан боғлиқ бўлса, фаолият қонунчиликка мувофиқ лицензиялаштирилиши зарур бўлади, тендерда ўрнатилган тартибда тегишли лицензияга эга иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги ҳолатларда тендерда қатнашишга йўл қўйилмайди:

- тендер эълон қилинганга қадар таъсис



этилганга 36 ойдан кам бўлса;

- буюртмачи билан суд ёки арбитраж аразуви ҳолатида бўлса;

- молиявий операциялар (оффшор зоналар) чоғида, шунингдек, оффшор зонада бўлган банкда норезидент ҳисоблари ўтказилгани ҳақида, сир сақланиши кўзда тутилмаган ёки имтиёзли солиқ режимини ифодаловчи ҳудуд ёки давлатларда қайд этилиши;

- масъулиятсиз ижрочилар ягона реестрида турган;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд;

- тарқатилиши (бўлиниши, қўшилиши), тугатилиши ёки банкрот босқичида турган, мулкига ҳибс, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий боғлиқлик, таъсис актлар шаклида, холдинг ва бошқа шаклларда молиявий иштирок.

Тендерга таклифлар бериш ва тайёрлаш учун зарур барча ҳужжатларга талаблар тендер ҳужжатларида акс этган, шу жумладан, тўлдириш учун формалар ва намуналар.

Тендер иштирокчилари буюртмачи (тендер ташкилотчиси)га лойиҳа ҳужжатлари билан танишиш учун мурожаат қилишга ҳақли, шу жумладан, ўрганиш ва тендер таклифларини тузиш учун графика қисми (чизмалар).

Тендер бўйича унга тегишли ҳужжат-

ларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Сулаймон Бухорий кўчаси, 5. «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси.

Алоқадаги шахслар И. Сафаров, А. Шакаров.

Тел. (+998 55) 701 87 00
Электрон манзил: Stroy@samauto.uz, alishers@samauto.uz

Буюртмачига таклифлар тақдим этишнинг охириги муддати **2021 йил 11 июнь куни соат 18:00 да** тугайди.

Ҳужжатлар топшириш учун манзил: Самарқанд шаҳри Сулаймон Бухорий кўчаси, 5. «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси.

Алоқадаги шахслар И. Сафаров, А. Шакаров.

Тел. (+998 55) 701 87 00
Таклиф берилиши тендер иштирокчисининг ўқоридаги материаллар билан танишганига гувоҳлик беради, яъни иштирокчида ишлар ҳажми, материаллар, конструкциялар ва бошқа шартлар, лойиҳада кўзда тутилган ишларнинг бажарилишига нисбатан саволлари йўқлигини билдиради.

«Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси маъмурияти.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд вилоят Адлия бошқармасидан 2017 йил 14 августда 254-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят, шаҳар ва туман кенгашлири Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармонига асосан тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Кенгашнинг почта манзили: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 50-уй (олдинги манзили: Самарқанд шаҳри Ибн Сино кўчаси, 11-уй).

Кенгашнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР) 207261235.

Ургут туманидаги «RASSVET LAZER PLUS» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 301320724) Ургут туманидаги «RASSVET BREND» масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 307731564) қўшилмоқда. «RASSVET BREND» масъулияти чекланган жамияти «RASSVET LAZER PLUS» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Дўстлик маҳалласи, Исмол Каримов кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ка-

динова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Мавлонов Мурод Тугиловичга (2020 йил 24 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадриева Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасида марҳум Ибрагимов Раҳманга (1988 йил 12 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Ботирова Фароғатга (2018 йил 19 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Пахтачи туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Хужанова Дилобар нотариал идорасида марҳум Саттарова Фотимага (2020 йил 26 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хужанова Дилобар нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пахтачи тумани Истиклол кўчаси.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-хўнар коллежидан 2018 йилда Асламов Афзалшоҳ Акмалович номига берилган рўйхат рақами 155, К № 5104844 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2004 йилда Рустамов Шерзод Хотамович номига берилган В № 147327 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институтидан 2007 йилда Атаев Анвар Ойбекович номига берилган В № 322548 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд санъат коллежидан 2017 йилда Гайбуллаев Ахмаджон Нематуллоевич номига берилган рўйхат рақами

1195, К № 4705114 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 55-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Ходжиметова (хозирида Шуқурова) Гавхар Лазизовна номига берилган U № 1086171 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Челак туманидаги «СОЛО» ишлаб-чиқариш ва савдо хусусий фирмасининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Ҳамидов Элёр Абдулхазизович номига берилган U № 1133536 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўлмас ва оҳанрабо қўшиққа асос бўлган ғазал

Ғазал Шарқ адабиётида етакчи жанрлардан бири бўлиб, унинг асосий мавзуси ишқ-муҳаббатдир. XV асрда ғазал жанри Алишер Навоий ижоди орқали юксак чўққига кўтарилган бўлса, XVII асрнинг иккинчи ярми Шарқ адабиётида бу жанр янада кенг ривож топиб, янги мазмун билан бойиди.

Забуннисобегим 1643 йилда Дехлида туғилган Темирий маликалардан. Бобурийлар сулоласидан Аврангзебнинг қизи. У забардаст шоира, олима, созанда ва хаттот бўлиб воёга етди.

Забуннисобегим ўз даврида дилбар ғазаллари билан кенг шухрат қозongan шоирадир. Унинг ғазаллари вази, оҳанги, радифи, услуби жиҳатидан жуда бой ва ранг-барангдир.

Забуннисобегимнинг унча катта бўлмаган девонидан ўрин олган биргина "Самарқанд ушшоғи"дай ўлмас ва оҳанрабо қўшиққа асос бўлган "Инжост", "Бу ердадур" радифи ғазалининг этиб келгани унинг нақадар беназир шоира эканлигидан далолат беради.

Ғазал ўзининг мусиқийлиги, ўйноқи оҳанги билан энгил ўқилади. Тасвирларнинг ёрқин, услубнинг соддалиги жиҳатидан халқ қўшиқлари руҳига яқин бу ғазалининг матлаи куйидагича:

Биёқи зулфи качу чашми сурмасо инчост, Ниҳоқи гарму адоҳои дилрабо инчост. (Зулфи халқа-халқау кўзи каро бу ердадир, Боқиши шафқатли-ю, нозик адо бу ердадир.)

Бадий маҳорат, мумтозликнинг юксак намунаси бўлган ғазалининг давоми куйидагича:

Карашма – теғу, мица – ханчару ниғаҳ – алмос, Шаҳодат ар талаби Дашти Карбало инчост. (Киприги – ханжар, карашма – тиғу кўз ташлаш яшин, Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг, Карбало бу ердадир.)

Кейинги байтда маъшуканинг киприги, қоши тасвирланади ва "Карбало" дашти воқеаси талмиҳ сифатида қўлланилади.

Мумтоз адабиётда ёр сонининг сунбулга ўхшатилиши анъана. Лекин ошқнинг маъшукани тарок (шона)дан рашк қилиши камдан-кам шоирларда учрайдиган лавҳадир.

Забуннисобегим ижодида ижтимоий-фалсафий фикрлар чуқурроқ илдиз ота бошлайди. Дастлабки шеърларидаёқ табиат тасвири орқали инсоннинг орзу-умидларини, адолат ва ҳақиқатни қўйлаган шоира ростлиқни, ҳаққонийлиқни тарғиб қилди.

Ғазалининг кейинги байти мазмуни Алишер Навоийнинг: Кимки бир кўнгли бузқунинг хотирин шод айлагай, Онча борким Каъба вайрон бўлса, обод айлагай

байти мазмунига ҳамоҳанглигини кўриш мумкин: Ба табфи Каъба кучо меравё, диле дарёб, Ки халқ беҳуда чон мекананд, чо инчост. (Каъбага бормоқ на ҳождатдур, агар дил овласанг, Беҳуда йўллар кезар бу халку жо бу ердадир.)

Кейинги байтда ёрнинг хусн-латофати бошдан оёқ тасвири берилди: Зи пой то сари ў ҳар кучо ки менигарам, Карашма домаин дил мекашад кӣ: чо инчост. (Хуснига бошдин-оёқ боққанда ҳар бир нуқтадин, Дилни тортиб ҳар карашма, дерки: жо бу ердадир.)

Ошиқ бутун жаҳонни кезиб, бутун китоблардан изласа-да, охир-оқибат ахтарганини топади: Китобхонаш олам варақ-варақ чустам, Хати ту дидаму гуфтам, кӣ: "Муддао инчост!"

(Издадим бир-бир жаҳонда ҳар неча бўлса китоб, Кўрдиму хаттинги дедим: "Муддао бу ердадир!")

Эринг жафожўлиги, ошиққа бемеҳрлиги ғазал сўнггида таъкидланади. Маъшук рақибларни ўзига суҳбатдош қилади-ю, ошиқни бегона ҳисоблаши айтади.

Закоти хусн агар меҳдиҳ барои Худо, Биёқи Забуннисо ҳамчу ман гадо инчост. (Истасанг хуснинг закотини берарга мустаҳик, Келки, бу Забуннисо янглиг гадо бу ердадир.)

Забуннисобегим лирикасининг ҳам ғоявий, ҳам бадий ётуқ бўлишида шарқ мумтоз адабиёти анъаналари ва халқ оғзаки ижодининг роли муҳим бўлган.

Забуннисобегим шох қизи бўлса ҳам кибр-ҳаво, манманликдан узоқ юрди. Зулм-зўрликдан, ёвузликдан нафратланди.

Бугунги кунга қадар юртимизда аслар давомида севиб ижро этиладиган Забуннисобегимнинг "Инжост" радифи ғазалининг аслият таржимаси ҳамда ўлмас қўшиқ машхур ҳофизлар томонидан севиб ижро этилади.

Сафия КАРИМОВА, филология фанлари номзоди.

«СЎЗМУНЧОҚ»

истеъдодлиларни излаб топмоқда

Умумий ўрта таълим мактабларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи штати ташкил қилинди. Бу вазифага тақлиф қилинган шоир ва ёзувчилар, ижодкор ўқитувчилар жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб ишга киришди.

Қўшработ туманидаги 89 та мактабда ҳам ижодий-маданий тарғибот ишлари бошланди. Жумладан, 82-умумий ўрта таълим мактабида истеъдодли ўқувчиларни излаб топиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Сўзмунчоқ" ижодкор ёшлар тўғраги ташкил этилди.

Шу пайтгача ўқувчиларимиз ёзган шеър ва ҳикояларни, чизган расмларни оммавий ахборот воситаларида чоп эттиришга қийналардик, - дейди мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ойражаб Дўстова.

Таълим муассасамизда янги шат ташкил қилиниб, бу масалага ечим топилди, деб ўйлайман. Сабаби, ўтган ойда фаолият бошлаган "Сўзмунчоқ" тўғраги истеъдодли болаларни излаб топётган бўлса, шу номда ташкил қилинган мактаб деворий газетаси ижодкор ўқувчиларимизнинг минбарига айланди.

Зухра БОЙҚОБИЛОВА, тўғарак аъзоси.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2005 йил, май

Корея Республикаси Президенти Но Му Хён бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

Вилоят мактабларининг 11-синфини 38 минг 311 нафар, 9-синфини 69 минг 548 нафар ўқувчи битирди.

июнь

Вилоят деҳқонлари 152 минг гектар ерда бошоқли дон экинлари етиштирди.

Вилоят ҳокимлигида республика Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирокида "Шарқ тароналари" V халқаро мусиқа фестивалига тай-ёгарлик кўриш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

июль

Вилоят ғаллакорлари давлатга 264 минг 900 тонна сара дон топширди.

Самарқанд давлат университетини 2000 нафардан зиёд бакалавр, 143 нафар магистр битирди.

Самарқандда "Perfectum Mobile" уяли алоқа тармоғи иш бошлади.

август

10 август куни вилоят ҳокими М.Нурмуратовнинг қарорига кўра, Пўлат Аҳмедов Тоилоқ тумани ҳокими этиб тайинланди.

Самарқандда саккизинчи бор "Челленжер" халқаро теннис турнири ўтказилди.

25 август куни Самарқандда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали иш бошлади ва унда 50 дан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашди.

27 август куни Президент Ислам Каримов "Шарқ тароналари" V халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун Самарқандга келди ва шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, анжуман очилишида нутқ сўзлади.

сентябрь

Самарқандда гилам ва автомобиль мойи ишлаб чиқарувчи "Яшам-Эркаплан" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

Россия Мудофаа вазири С.Иванов республика Мудофаа вазири Қ.Ғулмонов ҳамроҳлигида Самарқандда бўлди.

октябрь

Самарқанд туманидаги 66 мактабда 53 минг 200 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Вилоят пахтакорлари давлатга 248 минг тонна пахта еказиб берди.

«Ёнимиздаги одамлар»

Ижодкорлик Аллоҳ томонидан бериладиган инъомдир. Бу инъомдан ким қандай фойдалана олиши инсоннинг ўзига боғлиқ. Аммо ҳар кимга ҳам ижодкорлик қобилияти берилвермайди. Кимдир умри давомида самарали ижод қилиб, халқ дарди билан ёниб яшаса, кимдир бошқа мақсадда ёки ўзи учун ҳеч кимга билдирмай ижод қилади.

Ўқитувчи, шоира, журналист

Гулжаҳон Мустафоева Паст Дарғом туманида туғилган. Тумандаги 4-умумтаълим мактабини тугатгач, 1989 йилда Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди.



Илк меҳнат фаолиятини ўзи таҳсил олган мактабда ёш авлодга она тили ва адабиёт фанидан дарс беришдан бошлади. Ўқитувчилик касбига тажриба орттириб, самарали меҳнат қилди.

2002 йилда "Ижодкор ўқитувчи" кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиб, "Халқ таълими аълочилиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Г.Мустафоевадаги ижодкорликка ҳавас уни ўқитувчиликдан журналистликка етаклади.

Ундаги ижодкорликка ҳавас болаликдан уйғонган. Шоиранинг "Меҳнат билан" номи илк шеъри "Паст Дарғом ҳақиқати" газетасида босилган, илк шеърини тўплами 2000 йилда "Армон кўнғироғи" номи билан нашрдан чиққан.

Бундан ташқари, Г.Мустафоева "Оқ карвон", "Номсиз дард", "Юрагинда қолсам майлими", "Жоним кўқарган Ватан", "Соқинлик қўшиғи", "Эрк қўшиғи" шеърини тўпламлар, "Сабрининг сиймоси", "Паст-дарғомликлар" публицистик китоблар муаллифидир. Унинг шеър ва мақолалари "Хуррият", "Зарафшон", "Саодат", "Шарқ юлдузи", "Оила ва жамият" каби газета ва журналларда чоп этилган.

Г.Мустафоева мамлакатимизда юз бераётган ислохотлар самарасини дадиллик билан ёрита олади-ган, замон билан ҳамнафас журналистлардан бири. Яқинда ижодкор Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасига аъзо бўлди. Оилада уч нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, ибратли оила бекасидир.

Пардамурод ЭЛМУРОДОВ.

Яхшиларга ҳавас қилиб яшайлик

«Зарафшон», 2021 йил 8 апрель, «Ҳасад нима, иллатми ё касаллик?»

Ҳасад мавзуси худди муҳаббат, ишқ каби кўхна, қадимий ҳаётини масаладир. Ҳасад Хобил ва Қобилдан бошланиб, одамзодга мерос бўлиб қолмадикин? Ҳасад, ичқоралик, кўролмаслик, ички-налик – бу сўзларнинг ўзига бир бўлмаса ҳам, маъноси бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдирди. Ушбу сўзлар ифодалаган маъно соҳиблари ҳеч қачон халқ назарида яхши инсон саналмаган, шундай кимсаларга халқ ёмон, паст назар билан қараган.

Ҳасад шахсининг жамиятда тутган ўрнига қараб бўлади. Улуғ инсонларга қаратилган ҳасад улуглиққа муносив бўларкан. Авом одамлар ҳеч қачон улугларга ҳасад қилмайди, аксинча, ҳавас қилишади. Ёки тескариси, улуг одамлар оддий кишиларга ҳасад қилади деб ўйланманг. Ҳасадгўй сизнинг узанги йўлдошингиз. Ҳасадгўй хуснингизга, молу давлатингизга, амалингизга, обрўйингизга ҳасад қилади.

Мақолада «ҳасад аслида фикри ожиз кишида бўлади, фикри ожиз киши эса саводсиз, илмсиз бўлади», деган жумла бор. Бундан ўқимаган, саводсиз кишиларда ҳасад бўлади, деган фикр чиқади. Мен бу фикрга қўшилмайман. Ҳаётда саводсиз, илмсиз кишилар кўп. Бироқ уларнинг кўпчилиги кўнгли тоза, софдил одамлар.

«Инсон манзаралари»

Бетоб ётган Жонгул момо дераза ортидаги гилос гуллаганини кўриб, руҳи энгил тортиди: "Баҳор келибди-да!". Кўз олдига қуёшга шодон боқиб, яшнаган ям-яшил майсалар, ариқ бўйи, жилғалар атрофида заминдан бош кўтариб атрофни безаган момақоймоқ, ялпиз ҳиди анқиган далалар келди: "Кўкка етказганингда шукр!".

Ашур бува ёлғиз ўғли Тиловбердининг тўйини ўтказиб, элга ош берди. Кўпқарига узоқ-яқиндан донг таратган чавандозлар келиши. Бош соврин – гижинглаган той жийдалилик Гаффор полвонга насиб этди. Баковул уни даврага чорлаб тулпорни топширди.

Ашур бува ёлғиз ўғли Тиловбердининг тўйини ўтказиб, элга ош берди. Кўпқарига узоқ-яқиндан донг таратган чавандозлар келиши. Бош соврин – гижинглаган той жийдалилик Гаффор полвонга насиб этди. Баковул уни даврага чорлаб тулпорни топширди.

Ашур бува ёлғиз ўғли Тиловбердининг тўйини ўтказиб, элга ош берди. Кўпқарига узоқ-яқиндан донг таратган чавандозлар келиши. Бош соврин – гижинглаган той жийдалилик Гаффор полвонга насиб этди. Баковул уни даврага чорлаб тулпорни топширди.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

18 май – Халқаро музейлар куни



Гавжум мозийгоҳ

Халқаро музейлар куни арафасида Каттақўрғон шаҳар – ўлкашунослик музейида "Азалий – қадимий, миллий либослар" кўргазмаси очилди. Айна кўнларда музейга ташриф буюраётган каттақўрғонликлар ва шаҳар меҳмонларида XIX-XX асрга хос шарқона либослар катта қизиқиш уйғотаётир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Zarafshon Samarqandskiy Vestnik logo and name

MUASSIS: «Zarafshon» va «Samarqandskiy vestnik» gazetalarini tahririyati

Bosh muharrir: Farnon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyati matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda



QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56. BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: O.XUDOYBERDIYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

ISSN-201667X. Barcode and ISSN number 9 772 010 667 009